ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК НАСРИДА МАЖОЗИЙ РИВОЯТ

М.Қўчқорова

Мақолада ҳозирги ўзбек неомифологик насри хусусиятлари ўрганилган. Хусусан, ёзувчи У.Ҳамдамнинг "Наъматак" мини-романи ва "Сафар" ҳикояси мисолида ўзбек насридаги неомифологизм хусусиятлари мажозий ривоят кўринишида намоён бўлаётгани очиб берилган.

Калит сўзлар: *наср, миф, неомиф, мажозий ривоят, метафора, архетип, ҳикоя.*

В статье изучены особенности узбекской неомифологической прозы. В частности, на примере мини-романа «Наъматак» и рассказа «Сафар» У.Хамдама показано, что неомифологизм в узбекской прозе проявляется в виде аллегорической притчи.

Ключевые слова: *проза, миф, неомиф, аллегорическая притча, метафора, архетип, рассказ.*

The article studies the peculiarities of the Uzbek neomythological prose. On the basis of U.Hamdam's mini-novel 'Na'matak'(Sweetbrier) and the story 'Travel' the author tries to show that neomithology in the Uzbek prose is shaping in the form of allegoric parable.

Key words*:prose, myth, neomyth, allegorical parable, metaphor, archetype, story.*

Адабиётшунос Й.Солижонов "Ҳозирги ўзбек ҳикояси: жанр мезонлари, талаб ва имкониятлари" номли мақоласида У.Ҳамдам ва И.Султон ҳикояларига махсус тўхталиб шундай дейди: "Улар ўз асарларида ўз ғоявий ниятини ўқувчига етказиш учун рамз ва тимсоллардан ғоят унумли фойдаланмоқдалар. Тўғрироғи, бу адиблар ҳикояга асос қилиб олинган реал воқелик оғирлигини ғайритабиий вазиятлар ҳамда рамзлар зиммасига юкламоқдалар. Янада аниқроғи, ҳикоя мазмунини очиш вазифасини инсон образи эмас, аниқ рамзий образлар, деталлар, белгилар, шартли эпизодлар бажаради" [1.12]. Шу маънода, У.Ҳамдамнинг "Наъматак" асари тўла равишда мажозий-ривоят асосига қурилган. "Ватан ҳақида қўшиқ" тўпламига кирган деярли барча ҳикоялар ("Кўнглимдаги дарё", "Сўз" ҳикояларидан ташқари) ривоят услубида битилган. Уларнинг баён услубида адиб меҳр қўйган, уни кўп йиллардан бери тўлқинлантирган, ҳаяжонга солган Жалолиддин Румий ҳазратларининг ижодий анъаналари, рамзий-мажозий-фалсафий фикр ва бадиий оҳанглари сезилиб туради. Зеро, адабиётшунос У.Норматов Румий ижодиёти ва бадиий таржиманинг адиб фаолиятида тутган ўрни ва аҳамияти ҳақида "Мавлоно Румий қаламига мансуб "Ичиндаги ичиндадур" асари таржимаси унинг қарашларида янги уфқлар очди" [2.425] деганида ҳақ эди.

Улуғбек Ҳамдам шарқ ва замонавий насрда қўлланилиб келаётган ривоят жанрига янгича руҳ берди, бугунги кун воқелигини мажозий-тимсолли образлар билан тўйинтириб, ривоят усулида асарлар яратди. Жумладан, "Наъматак", "Сафар", "Кўзини юмиб очган одам", "Бир пиёла сув", "Пиллапоя", "Мусулмон", "Тўлин ой қиссаси"да мажозий ривоят усулини асосий бадиий шартлилик даражасига олиб чиқади.

Адибнинг "Наъматак" асари уч қисмдан иборат бўлиб, унда уч авлоднинг кечмиши ривоят қилинади. Асарга *"Қандай кўз-ла боқса одам оламга, Шундай жавоб айлар олам одамга"* деган ҳикматли мисралар эпиграф қилиб олинган. Ҳажман кичик "мини роман"да уч авлоднинг оламга қараши *"эзгу – бадбин – эзгу"* учлик бадиий формуласига мувофиқ мажозий йўсинда берилади. Ёзувчи асарда *"уч"* сеҳрли рақамининг сокрал хусусиятига алоҳида эътибор билан қарайди.

У.Ҳамдам халқ эртак ва достонларига хос ёвузлик устидан эзгуликнинг мудом ғалабаси бадиий ечимини бериш мақсадида учликка табиий бадиий эҳтиёж сезади. Яъни ёзувчи ҳаёт ва инсон ҳақида ривоят қилар экан, олдинига эзгу амални биринчи авлод тимсолида акс эттирган бўлса, энди унинг зидди – ёмонликни иккинчи авлод мисолида ифодалайди. Асарда икки авлод ҳаёти ва қисмати ифода топиб якунланса, ёмонликнинг тантанаси билан тугаган бўлар эди. Ёзувчи умуминсоний ғоя – "ёвузлик устидан эзгуликнинг ғалабаси"ни таъминлаш мақсадида учинчи авлод тимсолини киритади. натижада "эзгулик-ёвузлик-эзгулик" учлик бадиий формуласи вужудга келади. Ёмонлик ва яхшилик ўртасидаги кураш икки қўшни ўртасида наъматак туфайли содир бўлади. Демак, асарда Наъматак образи шунчаки оддий эпизодик образ эмас, у асар воқеаларини ҳаракатлантирувчи, қаҳрамонлар руҳияти ва кайфиятини очиб берувчи муҳим бадиий тимсолдир.

Албатта, наъматак асарда бош рамзий образ эмас. Аммо девор-дармиён икки қўшни ўртасида ўсиб чиққан наъматак бадиий детали асар воқеалари ва унга уч авлоднинг икки хил муносабатини

ифодалашда муҳим восита бўлиб хизмат этади. Асар романий тафаккурга хос воқелик, башариятнинг олам ва одамга муносабатини ихчамгина ҳикоя ҳажмида акс эттириши жиҳатидан ўзбек адабиётшунослигида катта янгилик, назаримизда. Юз йилдан зиёд ўзбек романнавислигининг муҳим ижтимоий-бадиий функциясини ҳикоя ҳажмидаги асарда ифодалаш ҳамма ижодкорнинг ҳам қўлидан келавермайдиган иш, деб ўйлаймиз. Аслида, анъанавий романда сертармоқ сюжет, кўплаб қаҳрамонлар, бош қаҳрамон ҳаёти ва қисмати, жамиятнинг ижтимоий, маънавий-ахлоқий муаммолар кенг планда, катта ҳажмда акс этиши керак. У.Ҳамдамнинг “Наъматак” романида эса акс ҳолатни кўрамиз. Унда на бош қаҳрамон, на халқ оммаси ва на хронологик равишда бош қаҳрамон қисмати кўзга ташланади. Шунинг учун, биз узоқ илмий мушоҳадалардан сўнг, ёзувчининг бу типда яратилган асарларини (“Наъматак”, “Мусулмон”, “Пиллапоя”, “Кўзини юмиб очган одам”, “Бир пиёла сув”, “Сафар”, “Тўлин ой қиссаси”, “Тош”, “Ватан ҳақида қўшиқ”, “Лола”) неомиф наср намуналари сифатида қайд этиш ва неомифологик бадиий шартлилик мезонлари асосида таҳлил этишни энг тўғри, энг замонавий усул деб ўйладик.

Айрим адабиётшунослар “фольклоризм” ва “неомиф наср” атамаларига бир ҳодиса деб қарайдилар. Албатта, бу тўғри эмас. Фольклоризм ёзма адабиётда халқ ижодига хос мотивлар, образлар, халқ оғзаки ижоди жанрлари (мақол, матал, ибора)ни қўллаш, ҳатто достон, эртак жанрларини стилизация қилиш каби кўпдан-кўп адабий ҳодисаларни ўз ичига қамраб олади. Неомиф наср эса халқ оғзаки ижодига хос афсона, ривоят, миф, эртак жанрларига хос стиль, образ, мотивларни бугунги кун ҳаёти ва бугунги кун кишиси қисмати билан боғлаб кўрсатишдир. Демак, фольклоризм кенг тушунча, неомифологизация эса унинг таркибий бир қисми холос. Неомиф насрда мифлар метафора сифатида намоён бўлади.

XXI аср ўзбек ёзувчилари бадиий ижодда янгича босқичга кўтарилишди. Х.Дўстмуҳаммад, О.Отахон, Ш.Бўтаев, Н.Эшонқул, Н.Рауфхон, У.Ҳамдам, И.Султон, Н.Чори сингари адиблар насрида қадимий мифларга янгича талқинлар, халқ афсона, миф ва ривоятларига қайтиш, уларга тез-тез мурожаат кузатилмоқда. Бу адибларимиз ўзларининг неомиф наср намуналарида халқ ижодининг қадим мифларига шунчаки мурожаат қилмасдан, уларга ўзларининг янгича мажозий-рамзий талқинларини беришмоқда. Мажозий-ривоят усули неомиф насрга хос бадиий шартлилик воситасидир.

“Наъматак”да адиб тарихий-ижтимоий воқеликка у қадар аҳамият бермайди, умуминсоний рамзий-фалсафий ғояни ифодалашда башариятга жуда баланддан туриб баҳо беради. Шунинг учун қаҳрамонларга исм ҳам танламайди, қаҳрамонлар исмсиз, шунчаки, “йигит” ва “қиз” дея ҳикоя этилади. Бир оилани жамиятдан узилган ҳолатда тасвирлаш услуби Х.Дўстмуҳаммаднинг “Ибн Муғанний”, И.Султоннинг “Айвон” ҳикоясида кузатилади. “Наъматак”да эса икки оила, икки қўшни жамиятдан ташқарига, дала ҳовлига олиб чиқилади.

У.Ҳамдамнинг “Сафар” ҳикояси ҳам мажозий-ривоят услубида ёзилган. “Наъматак”даги каби “Сафар” ҳикоясида ҳам муаллиф-ровий образи биринчи планга чиқади. Ҳикояда улкан уммон – ҳаёт рамзи, икки қабила – ер сайёрасидаги ирқи, дини, миллати бошқа бўлган одамларнинг рамзий тимсоли, ҳайкаллар – инсониятнинг бемақсад, бемаъно кимўзарликка интилишининг рамзий тимсоли бўлса, қиз ва йигит – Одам Ато билан Момо Ҳавога тамсилий ишора, уларнинг қўлидаги китоб – дунёнинг яралиши, олам ва одам ҳақидаги муқаддас диний китобга ишора этади.

Ёзувчи дунёнинг яралиши ҳақидаги мифларга яна қайта мурожаат этар экан, одамзоднинг кимўзарга пойгасини, баднафслигини, нифоқ ва урушларнинг бемаъни эканига урғу беради гўё. “Наъматак” мажозий ҳикоясидаги каби “Сафар”да ҳам уч магик рақамига алоҳида эътибор қаратилган. Зеро, ҳикоя уч сафар ҳақидадир. Учинчи сафар эса етти кунни ўз ичига олади: “Сафарнинг еттинчи куни деганда яна бир янги тонг отиб, қорамтир осмон олтинранг нурларга чулғанган маҳал, ҳув олисда, йигит ва қизнинг қайиғи сузиб бораётган томоннинг этагида, момиқ булатлар остида бир жуфт оппоқ қуш нимадандир хабар бераётган каби чуғур-чуғур этганча чарх уриб айлана бошлади...” [3.463]. Адиб олам ва одамнинг Оллоҳ томонидан етти кунда яратилиши ҳақидаги диний-мифологик қарашларга суянади. “Сафар” мажозий-ривоят ҳикоясига Одам Ота билан Момо Ҳаво ҳақидаги диний ривоят мифологик бадиий модель бўлиб хизмат этган.

Ҳар икки мажозий-ривоят ҳикояда дунёни, одамни асраб қолувчи ягона куч муҳаббат, чин маънодаги инсоний муҳаббат эканлигига рамзий ишоралар қилинади. Бинобарин, ҳар икки ҳикоя якуни йигит ва қизнинг бир-бирига яқинлашуви, улар ўртасидаги муносабатларнинг илиқлашуви билан тугалланади.

Х.Дўстмуҳаммад, Н.Эшонқул, Ш.Бўтаев, У.Ҳамдам, И.Султон ижодидаги неомиф наср намуналарида муштарак бадиий хусусиятлар кўзга ташланмоқда. Булар қуйидагиларда кўринади:

1) миф – бадиий архетип вазифасини ўтайди;

2) мифлар – метафорик бадиий модель бўлиб хизмат этади; 3) воқелик ижтимоий-маиший ҳаётдан узиб олиниб тасвирланади; 4) унда камида битта, ёки бир қанча рамзий бадиий модус кузатилади; 5) неомиф наср бағрида матн орти воқелиги, инсоний ва ижтимоий муаммо яширин ҳолда яшайди; 6) неомифологик бадиий асар қурилмасида такрорий ҳаракат, такрорий воқелик, такрорий кайфият кузатилади; 7) туш билан ҳуш, реаллик билан нореаллик аралашиб кетади; 8) неомиф насрда мистикага ишонч кайфияти сезилади; 9) бундай насрда реализм унсурларидан ташқари, неореализм, модернизм, постмодернизм, магик реализм, романтизм, абсурдизм каби хилма-хил оқимлар кайфияти зоҳир бўлади; 10) олам ва одамнинг яралиши, яшашнинг, ҳаётнинг моҳиятини излаш кузатилади.

Адабиётлар:

1. Солижонов У. Ҳозирги ўзбек ҳикояси: жанр мезонлари, талаб ва имкониятлари / Мўъжизалар сири. – Т.: Адиб, 2013.

2. Норматов У. Кичик жанрнинг катта имкониятлари / Ватан ҳақида қўшиқ. – Т.: Академнашр, 2014.

3. Ҳамдам У. Сафар / Ватан ҳақидаги қўшиқ. – Т.: Академнашр, 2014.

4. Гарипова Г. Концептуальные тенденции развития узбекской литературы конца XX – начала XXI века // Звезда Востока. – 2012. – №2.– С. 130-135.

ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти,
2016 йил 24 мартда қабул қилинган
(Тақризчи: М.Шералиева)